

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Арипов Тимур Усанович

Жиноят ишлари бўйича

Китоб тумани судининг тергов судьяси

Аннотация: Тадқиқот ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни таҳлили ва уларни олдини олишга бағишланган. Болалар жиноятчилигига таъсир этувчи асосий криминоген омиллар ва уларни олдини олиш кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, ёшлар жиноятчилиги, жиноятларни олдини олиш.

Ёшларни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, уни ҳамма ота-оналар ҳам уддалай олмайдилар. Ўсмирлик даврида болалар биринчи марта реал дунёга дуч келишади. Улар кейинчалик ўзларига жиддий таъсир кўрсатадиган мураккаб ҳаётий вазиятларга туша бошлайдилар. Нотўғри тарбия ва муаммолар пайдо бўлса, болалар қонунни бузишлари мумкин.

Ҳозирги вақтда ёшлар жиноятчилиги нафақат давлатимизда, балки бошқа мамлакатларда ҳам жуда кенг тарқалган. Шунинг учун ҳар бир ота-она бундай жиноятчиликнинг хусусиятлари ва болалар нима учун қонунларни бузишлари билан олдиндан танишиб чиқиши керак.

Ёшлар жиноятчилиги бу 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар йиғиндиси.

Замонавий жамиятда жиноятчиликнинг бу тури энг ўткир ва долзарб муаммолардан бирига айланди. Статистика шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарлик содир этувчи ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ҳолат бутун жамиятга, шунингдек, ўз келажагини йўқотиши мумкин бўлган ёшларимизнинг ўзларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик турлича намоён бўлиши мумкин. Ушбу мавзуга кўплаб тадқиқотлар бағишланган.

Ушбу тадқиқотлар натижасида ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг бир нечта энг кенг тарқалган турлари аниқланган:

- Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш. Бу жиноятчиликнинг энг кенг тарқалган туридир. Бунга ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва фирибгарликни киритиш мумкин.

- Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар. Сўнгги бир неча йил ичида ушбу турдаги жиноятларнинг жадал ўсиши кузатилмоқда.

- Катталар иштирокида. Мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган баъзи ноқонуний хатти-ҳаракатларда кўпинча катталарни таъсири бўлади, уларнинг ундаши оқибатида содир этилади. Кўпинча бу энг хавфли ва оғир жиноятлардир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра жиноий жавобгарлик 16 ёшдан белгиланган, бироқ айрим турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик 14 ёшдан белгиланган. Булар қотиллик, босқинчилик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ўғирлик ва ҳоказо.

Вояга етмаганларнинг жиноятчилиги нима эканлигини аниқлаб, бундай хатти-ҳаракатларнинг сабабларини таҳлил қилиш тавсия этилади. Кейинчалик бу болада ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик бўлиши мумкинлиги белгиларини олдиндан аниқлашга ёрдам беради.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг энг кенг тарқалган сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Оиладаги муаммолар. Агар ота-оналар бола тарбияси билан шуғулланмасалар, бу шахснинг шаклланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Назоратнинг йўқлиги жазосизликни келтириб чиқаради, бу эса кейинчалик жиддий ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин.

• Нокулай мухит. Бу ёшлар жиноятчилигининг анча кенг тарқалган сабабидир. Баъзи болалар уларни у ёки бу жиноятни содир этишга ундайдиган ёмон гуруҳга тушиб қоладилар.

• Катталар томонидан ундаш. Кўпинча ўсмирлар катталарнинг таъсири остида қонунни бузишга қарор қиладилар. Баъзан катталар нафақат ёшларни жиноят содир этишга мойил қиладилар, балки жиноятга ҳам ундайдилар.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик кенг тарқалган муаммо бўлиб, ота-оналар ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳам тез-тез дуч келишади.

Ҳар йили ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ортиб бормоқда. Шунинг учун бунга йўл қўймаслик учун фарзандларингизни назорат ва тарбия қилишингиз лозим.

Ҳақиқатан ҳам ёрдам берадиган бир нечта усуллар мавжуд:

• Тўғри тарбия. Болани ёшлигидан бошлаб тарбиялаш ва у билан вақт ўтказиш тавсия этилади. Тўғри тарбия ёшлар жиноятчилигини олдини олишнинг энг самарали усулларида биридир.

• Таълим институтини мустаҳкамлаш. Мактаб таълими тизимини давлат миқёсида такомиллаштириш зарур. Шахснинг шаклланиши кўп жиҳатдан айнан унга боғлиқ.

Қонунчилик моддалари ва уларнинг оқибатларини тушунтириш. Бу билан нафақат мактаб ўқитувчилари, балки ота-оналар ҳам шуғулланиши керак. Алоҳида эътиборни содир этилган жиноятларнинг оқибатларига қаратиш тавсия этилади. Бу, албатта, ҳуқуқбузарлик содир этиш истагини йўққа чиқаради.

Ўсмир ҳеч қачон жиноий фаолиятга аралашмаслиги учун ота-оналар махсус профилактика чораларини кўришлари керак бўлади. Алоҳида эътиборни индивидуал профилактикага қаратиш лозим. Бу болага таъсир кўрсатиш шакли бўлиб, унинг хулқ-атворини тузатишга ёрдам беради.

Жиноятчиликнинг олдини олишнинг бир нечта кенг тарқалган вариантлари мавжуд:

- Жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган салбий омиллар таъсирини чеклаш. Бу ҳолда ота-оналар ўсмирни синчковлик билан назорат қилишлари ва унинг мулоқот доирасини кузатиб боришлари керак бўлади.

- Профилактик суҳбатларни мунтазам ўтказиш. Вақти-вақти билан қонун, жиноятлар ва уларнинг оқибатлари билан боғлиқ мавзуларда суҳбатлашиш керак.

- Психолог ҳузурига бориш. Сир эмаски, жиноят содир этиш кўпинча ўсмирларнинг беқарор руҳияти сабаб бўлади. Шунинг учун боланинг психозэмоционал ҳолатини кузатиб бориш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар жиноятчилиги ота-оналар ва умуман давлат томонидан эътибор ва саъй-ҳаракатларни талаб қиладиган жиддий муаммо ҳисобланади. Барча ижтимоий институтлар бир ёқадан бош чиқариб, ёшлар билан комплекс иш олиб борилса, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, ёшларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш мумкин.